



ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГГИ ХУСУСИДА

Ботирова Зуҳрахон,
катта ўқитувчи,
Джумабоева Рўзихон
, магистрант, Фарғона давлат университети

Аннотация: Ўзбекистонда Мактабгача таълим соҳасидаги қаратилаётган эътибор ва соҳадаги ишлар таҳлил қилинган. Мониторинг тушунчаси ва мактабгача таълимдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Мониторинг, таълим самарадорлигини ошириш, мониторинг объекти - таълим натижалари ва уларга эришиш жараёни, рақобат муҳити, ривожланиш, педагогик жараёнининг сифати, прагнос, диагностика

Аннотация: Анализируется внимание, уделяемое сфере дошкольного образования в Узбекистане и работа в этой сфере. Анализируется понятие мониторинга и его значение в дошкольном образовании.

Ключевые слова: Мониторинг, повышение эффективности образования, объект мониторинга - результаты обучения и процесс их достижения, конкурентная среда, развитие, качество педагогического процесса, прогноз, диагностика.

Annotation: The attention paid to the field of preschool education in Uzbekistan and work in this area are analyzed. The concept of monitoring and its significance in preschool education are analyzed.

Key words: Monitoring, improving the efficiency of education, the object of monitoring - learning outcomes and the process of achieving them, competitive environment, development, quality of the pedagogical process, forecast, diagnostics.

Айни пайтда Ўзбекистонда давлат ташкилотлари, илмий тадқиқот, тижорат ва таълим ташкилотларининг информацион ва ҳисоблаш таъминотини амалга оширишда компьютер техникаси кенг қўлланилмоқда. Бу масалаларни ечишда технологияларни қўллай оладиган, мос дастурга маҳсулотларни яратса оладиган мутахассисларга бўлган талаб шу яқин йилларда ниҳоятда ошиб боради. Компьютер ва информацион технологиялар жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканлиги республика раҳбариятининг бу соҳани ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўттарганида кўришимиз мумкин .

2019- йил 26 декабрда Мактабгача таълим вазирлигида ташкил этилган йил яқунлари сарҳисобига бағишлиланган матбуот анжуманида “...





мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати, самарадорлигини баҳолаш замон талабларига умуман жавоб бермаган" деб таъкидлаб ўтадилар. Шунингдек қўйида мазкур йўналиш бўйича кўрсатилаётган таҳлиллар ушбу муаммони чукур тадқиқ этишни тақозо этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида "2020 йил – Илм- маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили" деб эълон қилинди. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимиdir. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иктисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон фармонига илм-фанни 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясининг стратегик мақсади этиб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устунликларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга инвестицияларни йўналтириш, аҳоли турмуш даражасини бир неча бор яхшилаш, ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги ва "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонунлар ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Концепция илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш босқичларини белгилаб беради ҳамда соҳага оид мақсадли дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади .

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги даврида илм - фаннинг барча соҳалари қаторида мактабгача таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришларга замин яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз... Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим. Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур" кабилар устувор вазифа этиб белгиланди.






Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда қатор йирик ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги - фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарори қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 майдаги 319 қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Илк қадам” давлат ўқув дастурини ижросини таъминлаш, Мактабгача таълим ташкилотларида юритилаётган иш ҳужжатларини тартибга солиш мақсадида 2019 йил 30 август куни 155-сонли “Давлат Мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг иш ҳужжатларини тасдиқлаш” тўғрисидаги буйруғи, Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 22-октябрда қабул қилинган “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июн “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5144-сонли қарорида мактабгача таълим тизимида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш чоралари ҳамда мактабгача таълим масалалари бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнаташ ва ҳамкорлик қилиш, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича янги муқобил моделларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, мактабгача таълим тизимини рақамлаштириш ишларини, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини ташкил этиш ва бошқариш, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан умумий назоратни амалга ошириш шунингдек, мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизими билан ўзаро интеграция қилинишини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан Мактабгача соҳасига катта эътибордан руҳланиб, фаолиятимизни янада самарали ташкил этишимиз лозим.






«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да: «...илмий - тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий -экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш »нинг устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши хусусан, мактабгача таълим соҳасида ҳам чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини яратди. Натижада, мактабгача таълимда бошқарувни автоматлаштиришни тадқиқ этиш ҳамда бу борадаги илмий изланишларни янада чуқурлаштириш зарурати туғилди.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, бошқарув соҳаси таълим тизими фаолиятни аниқлайди, кузатади, баҳолайди, башорат қиласи ва уни самарали бошқариш учун қарорлар қабул қилиш имконини яратади. Бир сўз билан айтганда ушбу жараён «мониторинг» деб юритилади. Мониторинг сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, monitor назорат қилмоқ, текширмоқ маъносини англаради. Мактабгача таълим тизимида мониторинг таълим жараёнини режа асосида диагностик кузатиш, башоратлаш ва фаолиятни ривожланишини тўғрилашни ва таълим жараёнини диагностика қилиш, оммавий алоқа воситалари ахборот ва маълумотларни йиғиш, шунингдек обьектларни узлуксиз назорат қилиш, бошқарувнинг таркибий қисми сифатида улар фаолиятини таҳлил этишни ўз ичига олади. Мониторинг-педагогик тизим ҳақидаги ахборотларни йиғишни ташкил этиш ва умумлаштириш, аниқланган салбий ҳолатларни коррекциялаш ва келажакда таълим самарадорлигини юқори поғоналарга кўтариш шартларидан биридир. Педагогик фаолиятни доимий ривожланишида унинг аҳволи ҳақида умумий ахборот билан таъминлайди. Таълим мониторингининг ижтимоий - ҳаётий аҳамияти шундан иборатки, у таълим тизими жараёнидаги ҳаётий тажрибани, таълим тарбия мазмунини назорат қиласи ва ҳисобга олади. Мониторинг деганда таълим тизими фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ташкил этиш, тўплаш, саклаш, қайта ишлаш ва тарқатиш тизими тушунилади.

Мониторинг педагогик тизимнинг ҳолатини доимий мониторингини ва унинг ривожланишини прогнозлашни таъминлайди. Мониторинг тартиб-қоидаларининг моҳияти таълим тизими ёки унинг элементлари ҳолатини доимий равища кузатиб боришдан иборат. Педагогик мониторинг обьекти - таълим натижалари ва уларга эришиш жараёнидир. Мониторинг, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини назорат қилиш билан бир қаторда, ўқув жараёнини ташкил этиш сифати ва унинг таркибий элементлари (болалар ақлий ва жисмоний соғлиғи даражаси) ўртасидаги аниқланган тафовутлар сабабларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.





Мактабгача таълимда педагогик жараён мониорингги талабгор (ота-она ёки бошланғич матаб)га мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ёш индивидуал хусусиятлари ва уларнинг ўзлаштириш натижалари уларнинг ютуқларини давлат талаблари ҳамда асосий таълим дастурига мувофиқлигини акс эттирувчи манба сифатида тақдим этилади. Мактабгача таълим муассасасида (ташкилотида) мониторингнинг вазифалари болаларнинг таълим натижалари тўғрисида объектив маълумот олиш, шароитлар сифатини ва уларга эришиш жараёнини баҳолашдан иборатdir.

Мониторинг ёрдамида мактабгача таълим муассасасида (ташкилотида) сифат ўрганилади, давлат талабларига мувофиқ болаларнинг ақлий, жисмоний, эстетик ривожланиши, мактабда ўқишга тайёргарлик даражаси, шунингдек, таълим жараёни (болалар фаолиятини ташкил этиш жараёнида амалга ошириладиган таълим фаолияти сифати, болаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш, оила билан ўзаро муносабатлар), таълим муассасасининг шароитлари (кадрлар салоҳияти ваҳоказолар) аниқланади.


Мониторинг натижасида педагог-тарбиячилар фаолиятида ўзаро рақобат муҳити, ривожланиш, педагогик жараёнининг сифати ва самарадорлиги таъминланади шунингдек, мониторинг тартиб-қоидаларининг моҳияти таълим фаолияти тизими ёки унинг элементлари ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш, доимий мониторингини олиб борилиши унинг ривожланишини прогнозлашни таъминлайди.

Мактабгача таълим мониторинг хизмати компьютер технологиясидан фойдаланган ҳолда кўрсаткичли мониторингга асосланган электрон жадваллар туркуми асосида амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган мониторинг натижалари диаграмма шаклида кўрсатилиши мақсадга мувофиқdir.

Ҳозирги ахборот асри даврида ҳалқ таълимини исталган йўналиши фаолиятини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайи. Қайси соҳа бўлишидан қатъий назар, ахборот технологияларини ушбу соҳага тадбиқ этиш давр тақозосидир. Ушбу соҳалар қаторига таълим тизимини киритишимиз ва таълим соҳасидаги ислоҳотларни асосий негизини ахборот технологияларидан фойдаланиб амалга оширишимиз мақсадга мувофиқdir. Республикаиздаги узлуксиз таълимнинг юшланғич звеноси бўлган мактабгача таълимда бошқарув тизими фаолиятини назорат қилиш ва ривожлантириш ўзига хос аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ-5144-сон қарори





2. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Интернет манба: <https://lex.uz/docs/3107036>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ПФ-4312 «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ-5144-сон қарори

5. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Интернет манба: <https://lex.uz/docs/3107036>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ-5144-сон қарори

7. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Интернет манба: <https://lex.uz/docs/3107036>

8. Ф.Р.Қодирова, Ш.Қ.Тошпўлатова, Н.М.Каюмова, М.Н.Аъзамова
Мактаб11111гача педагогика Т-“Маънавият” 2018й.

9. Ashurova, O. A. (2021). AESTHETIC EDUCATION AS A FACTOR OF PROFESSIONAL TRAINING OF PRESCHOOL TEACHERS IN A PEDAGOGICAL UNIVERSITY. Theoretical & Applied Science, (5), 425-427.

10. Ashurova, O. (2021). Analysis of foreign experience on the development of eco-aesthetic culture of future preschool education specialists. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(10), 1478-1484.

